



# YOSHLAR OVOZI

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI TURKIYA RESPUBLIKASI BUIK MILLAT MAJLISI RAISINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Ўтган йил кузда Туркияга ва жорий йил баҳорда Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифлари давомида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали музокаралар, улар якунида имзоланган муҳим ҳужжатлар турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратиб беришга хизмат қилгани алоҳида қайд этилди.

Сиёсий мулоқот фаол ривожланмоқда. Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари билан ҳамкорликда савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилма, транспорт, туризм, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларда инвестиция дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён 230 дан ортиқ Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси ташкил этилгани Туркия ишбилармонларнинг Ўзбекистонда бизнес юритишга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми шу даврда 40 фоиздан зиёдга ошди.

Маданий-гуманитар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашда парламентларо алоқалар муҳим ўрин тутди. Мамлакатларимиз конун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот кузатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлисида дўстлик гуруҳлари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳамкорликни ривожлантириш бўйича меморандум ва «Йўл харитаси» қабул қилинган.

Сўхбатда олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликка оид қўшма дастур ва лойиҳаларнинг парламентлар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳимлиги қайд этилди.

Бинали Йилдирим Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг салом ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмон Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳолаб, Туркия мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Конструктив мулоқот давомида томонларнинг анъанавий дўстлик муносабатлари ва узоқ муддатли стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга интилиши қатъий экани қайд этилди.

ЎЗА

## XALQARO HANKORLIK



## БИР МАНЗИЛГА ҚАДАМ-БАҚАДАМ

2001 йилдан буён халқаро майдонда самарали фаолият кўрсатиб келаётган ва ўз сафини мунтазам равишда кенгайтираётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари бугунги кунда глобал таҳдидлар – диний экстремизм, терроризм, ахборот хуружларига қарши курашиш, иқтисодий танглик ҳолати ҳамда ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳарбий куч-қудрат эмас, балки жаҳондаги энг мобил ресурслар бўлмиш ёшларнинг бунёдкорлик салоҳиятидан фойдаланиш минг чандон афзаллигини жуда яхши англамоқда.

## MUNOSABAT

### БУ БИЗ УЧУН МУҲИМ

Мақтаб — муқаддас даргоҳ. Ҳаётининг эса, шарафли ва айни пайтда масъулияли касб. Бугун юртимизда устоз ва мураббийларга ҳар доимгидан-да юқори эътибор кўрсатишмоқда. Жорий йилнинг ўзида бу йўналишда бир қанча муҳим қадамлар ташланди. Педагогларнинг маоши оширилиб, қатор имтиёзлар берилди. 2018 йил 5 сентябрда Президентимиз “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонни қабул қилди. Мазкур ҳужжат биз, соҳа ходимлари учун катта аҳамиятга эга.

Фармонга қўра, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб мақтабда ишлашда давом этаётган нафақадаги ўқитувчиларга пенсия тўлиқ тўлаб берилди. Бу, сўзсиз, ёш кадрлар тарбиясида “Устоз-шогирд” анъанасининг узлуксизлигини таъминлашга имкон беради. Янги йилдан эътиборан ҳар қайси мақтаб фаолиятининг самарадорлиги рейтинг тизимида баҳолашиб, натижалар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишидан ҳам мамнунман. Фикримча, мазкур механизм ёрдамида ўқитувчиларнинг малакаси ва билим даражаси ойдинлашади. Де-

мак, педагог ўзи устидан кўпроқ ишлаб, изланишга мажбур бўлади. Айрим ҳудудларда, айниқса, пойтахтда кўпгина ота-оналар фарзандини мақтабга жойлаштиришда қийналади. Президент фармонида қайд этилгандек, 2019 йилнинг 1 мартидан бошлаб мақтабларга болаларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади. Яна бир янгилик. Жорий йил 1 октябрдан мақтабларнинг васийлик кенгашлари тугатилиб, ўрнига муассаса фаолиятига ҳисса қўшишни истаган ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлар ва бошқа шахслардан иборат

кузатув кенгашлари ташкил этилади. Бунинг самараси ўлароқ, аввало, ота-она, мақтаб раҳбарияти ва ўқитувчи ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланади. Кузатув кенгаши Халқ таълими вазирлиги томонидан тасвир этилган номзодни мақтаб директорлигига сайлаш, шунингдек, уни эгаллаб турган лавозимдан озод этиш ҳақида тақлиф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Табиийки, бунда фуқаролар таълим сифати юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён эта олади. Алал-оқибат коррупция ва қоғозбозликнинг олди олинади.

Мухтабар  
МАРАИМОВА,  
Тошкент шаҳридаги  
142-умумтаълим  
мактаби директори

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI AQSHNING FAVQULODDA VA MUXTOR ELCHISINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратленни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Америка Қўшма Штатлари алоқаларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлашга АҚШ элчиси шахсан салмоқли ҳисса қўшганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил май ойида Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифининг самарали натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг янги даври учун мустаҳкам замин яратди.

Томонларни қизиқтирган барча масалалар бўйича кон-

структив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Парламентларо алмашувлар фаоллашди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда. Фан, таълим ва маданият соҳаларида, шунингдек, ҳудудларо ҳамкорлик ривожланмоқда.


АҚШ элчиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиши ҳамда мамлакатимиз билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини қайд этди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун АҚШнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

ЎЗА

## TAQDIMOT

### ҲАРБИЙЛАРГА ДАСТЁР



Миллий матбуот марказида “Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси (назарий ва амалий асослари)” китоби тақдими бўлиб ўтди.

Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг ташкил этган тадбирда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Маросимда сўз олганлар Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясида белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси юзасидан маълумот берди. Чоп этилган қўламан бу йўналишдаги амалий ишлардан бири бўлгани қайд этилди.

Яқунда муаллифлар йиғилганларга янги китобдан совға қилди.

Ҳумоюн ОМОНОВ

## АЖРИМЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Мамлакатимизда оналар мустаҳкамлигини таъминлаш, турли оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш масалалари доимий эътиборда. Бу жараёнда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази каби ташкилотлар фаол иштирок этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## НУКУСДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



“Бағрикенг Ўзбекистон” ёшлар фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Мамлакатимизда

ёшлар ўртасида миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилган фестивалда унинг шаҳар-туман босқичларида ғойибликни қўлга киритган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 5 йўналиш – иншо, шеър, тасвир, тасвир ва фотосанъат ҳамда турли миллат ва элат вакиллари билан миллий рақслари бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

— Бугунги турли ахборот хуружлари авж олган кунда бундай тадбирлар, айниқса, ёшлар учун ғоят фойдали, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Респуб-



ликаси кенгаши раиси ўринбосари Бибижон Оролбоева. — Иштирокчилар тажриба алмаши, ўз билими ва истеъдодини намойиш этди. Турли

миллатларнинг миллий либослари кўرғазмаси, фольклор бадий жамоаларининг чиқишлари ва бошқа дастурларда Ўзбекистонимизда барча миллат ва элатлар аҳил-иноқ яшаётгани, фидокорона меҳнати билан юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшаётгани намоён бўлди.

Ҳар бир йўналиш бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ёшлар фестивалнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.


Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Есимхон ҚАНОАТОВ,  
ЎЗА муҳбири



## СОВФАСИЗ КЕТОЛМАЙСИЗ

2



## КОМИССИЯ БЎЛАМАН, УСТОЗ!

4

## АЖРИМЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан тақдим этилган маълумотларга қўра, ўсиб келаётган авлод тарбиясида маҳаллаларнинг ролин кучайтириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда, айниқса, маҳаллалар қошидаги аҳамияти катта бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мазкур комиссиялар томонидан 64 минг 214 та мурожаат қилиниб, салкам 40 минг ҳолатда қайнона-келин, келин ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келишмовчиликларга барҳам берилган. Қарийб 7 минг ҳолатда қариндошлар мурожаат келтирилган. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида кўплаб муҳокамалар ўтказилди. Натижада, 11 минг 209 оиланинг

низоларига барҳам берилди. 4 минг 414 оила ажримдан сақлаб қолинди.

Ажрим кўрсаткичлари ошган маҳаллаларда «Биз оилавий ажримларга қаршимиз!» мавзусида ўтказилган оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ойлари билан ишлашдаги малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Айни пайтда эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, Яраштириш комиссияси фаолиятини кучайтиришга қаратилган кўплаб тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Турли келишмовчиликлар сабабли ажрим ёқасига келиб қолган оилаларга намунали оилалар бириктирилди.

Ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоялашда маҳаллаларнинг ролин ошириш юзасидан ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилгани эътиборга молик. Жумладан, фуқаролар йиғинлари қошидаги вояга етмаганлар, ёшлар

ва спорт масалалари бўйича комиссия томонидан кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Маҳаллалар ҳудудида спорт тўғрисида ташкил этилиб, ёшлар ўртасида «Маҳалла-миз паҳлавонлари», «Футбол-миз келажаги», «Биз эпчил ва чақонмиз», «Отим, онам ва мен спортчи оилалар» каби анъанавий спорт мусобақалари доимий ўтказиб келинмоқда. Бундай спорт-соғломлаштириш лойиҳалари натижасида маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар сезиларли даражада камаймоқда.

Аҳамиятли жиҳатлардан яна бири — маҳаллаларда «Энг яхши қайнона-келин», «Ибратли қайнона» мавзусидаги кўрик-танловлар ташкил этилиб, аҳоли ўртасида оила муносабатларини соғломлаштиришга қаратилган сўровномалар мунтазам ўтказилмоқда.


Буларнинг барчаси миллий анъана ва қадриятларимизнинг моҳиятини ёшларга кенгроқ тушунириш, оиланинг муқаддас эканини улар дунёқаршига сингадириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## “YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” DAVLAT DASTURI — AMALDA

### САВОЛЛАР ҲАМ, ТАКЛИФЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида жам бўлган ёшлар шахсий бизнесни бошлаш учун имтиёзли кредит олиш имкониятлари, тадбиркорлик фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар билан ҳам таништи-



“Yoshlar — kelajagimiz” Davlat dasturi doirasida samarqandlik yuz nafar taдбиркор учун ўқув-семинари ташкил этилди.



рилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, ўрни келганда таклифлар берди. Худди шундай ўқув-семинарини Ёшлар иттифоқи

қошидаги Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказининг Хоразм вилояти бўлими ҳам ўтказди.

Унда дастлаб Янгигеозор ва Гурлан туманларидан таклиф қилинган ёшлар қатнашди.

Машғулотлар давомида йигит-қизларга “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг мақсад-муддаолари, унинг маблағлари ҳисобидан кредит олиш тартиби тушунтирилди. Шунингдек, ҳудудда жамғарма фаолияти бўйича аниқланган муаммоларни тезкор барта-



раф этиш юзасидан тегишли ташкилотлар мутасаддиларига аниқ кўрсатмалар берилди.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА,  
Барно ЯКУБОВА

## TASHABBUS

### СПОРТНИНГ ТАЪСИРИ БОШҚАЧА



Гулистон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Биз жиноятчиликка қаршимиз” шиори остида, ёшлар ўртасида шахмат, стол тенниси, футбол ҳамда кураш мусобақалари ташкил этилди. Беллашувда ички ишлар

органлари профилактик ҳисобидан турган 54 нафар вояга етмаган йигит-қиз иштирок этди. Яқиний натижага кўра, умумжамоа ҳисобидан Сайхунобод тумани 1-ўрин, Гулистон шаҳри 2-ўрин, Гулистон тумани эса, 3-ўринни эгаллади. Ҳамкорликнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

### СОВҒАСИЗ КЕТОЛМАЙСИЗ


Муқаддас МУСАЕВА

“Хунарманда” уюшмаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги Сайилгоҳ кўчасида “Ўзбекистон совғалари” биринчи республика кўргазма-савдоси ташкил этилди.



Бой маданий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этишга қаратилган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Маданият, Халқ таълими, Жисмоний тарбия

ва спорт вазирликлари, Бадий академия, Савдо-саноат палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ёшлар итти-



фоқи билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар юз нафардан ортиқ моҳир хунарманднинг санъат асарларини томоша қилиш баробарида уларни сотиб олиш имконига ҳам эга бўлди. Ҳар қайси маҳсулот қўлда тайёрланган бўлиб, ўзида ижодкорнинг қалб қўри, кўз нури ва, албатта, халқимизнинг асрий анъанаю орзу-умидларини мужассам этган.

Тадбир давомида хунармандлар томонидан маҳорат дарслари утил-

ди. Дорбоз ўйинлари, кураш мусобақаси, ўзбек жанг санъати бўйича кўргазмали чиқишлар, миллий либос ва тақинчоқлар дефилеси, шунингдек, миллий таомлар кўргазмаси ҳамда халқ қўшиқларидан тузилган концерт дастури барчага кўтаринки кайфият улашди. Хорижий сайёҳлар ҳамда юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар кўпдан-кўп совға-саломлар харид қилиб, ажойиб байрамдан хушнуд ҳолда манзилига қайтди.

## OGHLIK — DAVR TALABI

### ДИННИНГ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Зулайхо ЗАЙНИДИНОВА

Наманган муҳандислик-қурилиш институтида “Дин тушунчаси: асл моҳият ва сунъий ақидалар” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирни Республика Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлими, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этди. У ёшлар маънавиятини ошириш, диний экстремизм баласидан огоҳ этиш, ёт фоялар таъсирига тушишдан асрашга қаратилди.

Тренинг давомида мутахассислар йиғилганларга диннинг моҳияти, Ўзбекистон Республикасида диний муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлар мазмунини, ижтимоий тармоқлар, хусусан, “Facebook” ҳамда “Telegram” мессенжерларида фаолият олиб бораётган айрим тарғибот гуруҳларининг асл мақсад-муддаоси хусусида атрофича тушунча берди.

Ҳафта давомида бундай семинарларни бошқа таълим муассасалари, шунингдек, Наманган ёшлар марказида ўтказиш режалаштирилган.

## QAROR VA IJRO

### БИР КУНДА 320 ГА ЯҚИН КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Есимхон ҚАНОАТОВ, ЎЗА мухбири

Нукусда Президентимизнинг 2018 йил 11 сентябрдаги “Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган бизнес-форум ва бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикасида мулкчилик шаклидан қатъи назар, бўш турган объектлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, уларга инвестиция киритиш орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадида хатлов ўтказилди. — Хатловда 2 минг 600 дан

ортиқ объектдан фойдаланилмаётгани аниқланди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбари З.Қамоллов. — Улардан 2 мингга яқинининг кадастр ҳужжатлари аниқлаштирилди, солиштирилди, қолганларининг ҳужжати бўйича иш давом этмоқда. Жойларда ташкил этилган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар томонидан ўтган қисқа вақт ичида фойдаланилмаётган объектларга инвестиция киритиш, янги иш ўринлари яратиш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ахборот хизмати тақдим этган маълумотга кўра, ҳудудда 2018-2019 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш

соҳаларини ривожлантиришга оид умумий қиймати 4 триллион 478 миллиард 300 миллион сўмлик 303 лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 210 лойиҳа бўйича молиялаштириш бошланиб, жами 1 триллион 149 миллиард сўм маблағ жалб қилинган.

Жумладан, лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳисобидан 394 миллиард сўм, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қарийб 720 миллиард сўм, хорижий инвестициялар ҳисобидан 4 миллиард 365 минг АҚШ доллари миқдорда инвестициялар жалб этилган.

Бизнес-форум доирасида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 345 корхона-ташкilot ва муассаса 3 минг 150 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмарка давомида 320 га яқин фуқаро ишга жойлаштирилди.

## XAYRIYA

### МЕҲРНИНГ ВАТАНИ — ЎЗБЕКISTON

Тўмарис АбЗАМ

“Халқлар дўстлиги” санъат саройида “Мурувват” ва “Саховат” интернат уйларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика Васийлик кенгаши томонидан ташкил этилган хайрия концерти шундай номланди.

Маданий кечага нурунийлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, алоҳида эҳтиёжга эга фуқаролар, “Саховат” ҳамда “Мурувват” уйларида истиқомат қилаётган юрдашларимиз таклиф этилди.

Она Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, одамийлик туйғуларини тараннум этувчи шеър қўшиқлар, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстликни кўрсатиб берувчи сўзга кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Концерт менга жуда ёқди, — дейди Миробод туманидаги 94-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Хадича Аминжоновна. — Жисмоний

ийкновияти чекланган бўлса-да, соғлом тенгдошларидан сира ортада қолмай, улар билан баравар ҳаракатланаётган ўғил-қизлар шижоатига, очини, тан бердим.

Хайрия концерти доирасида тасвирий санъат усталарининг 200 га яқин ижодий иши жамланган ажойиб экспозиция ҳам ташкил этилди. Ҳар бир картина маҳсул ҳайбат аъзолари томонидан баҳолашиб, муносиб ишлар турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

“Мурувват” ва “Саховат” интернат уйларида истиқомат қилаётган инсонларнинг ўз қўли билан яратган буюмлар кўргазмаси ҳам йиғилганларга манзур бўлди.



## БИР МАНЗИЛГА ҚАДАМ-БАҚАДАМ

Россия Федерациясининг Хабаровск шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёш лидерларининг иккинчи форуми ўз ишнини якунлади. Йирик анжуманда иштирок этиш учун ўлкага халқаро тузилма таркибига кирувчи, шунингдек, унинг ҳамкорлари сафидан ўрин олган жами тўққизта мамлакат – Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусдан ёшлар ташкилотлари, тадбиркор ва илмий доиралар вакиллари ҳамда оммавий коммуникациялар соҳасининг етакчи мутахассислари таклиф қилинган эди.



Тўрт кун мобайнида делегатлар бир стол атрофида бирлашиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг институти фаолиятида ёшлар иштирокини кенгайтириш масаласини муҳокама қилди. Ушбу принципал вазифани амалга оширишда қандай йул ва усуллардан фойдаланиш мақсада мувофиқлиги борасида фикр-мулоҳаза алмашилди, конструктив таклифлар ўртага ташланди. Форум давомида ёшлар ташкилотларининг ШХТ доирасидаги ҳамжihatлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда янги поғонага кўтариш масаласи ҳам атрофича кўриб чиқилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, 2001 йилдан буён халқаро майдонда самарали фаолият кўрсатиб келаятган ва ўз сафини мунтазам равишда кенгайтираётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари бугунги кунда глобал таҳдидлар — диний экстремизм, терроризм,



**Тилек ТОКТОГАЗИЕВ, "Nomad Greenhouse" корхонаси раҳбари (Қирғизистон):** "Мамлакатимизда ёш тадбиркорлар ассоциацияси мавжуд. ШХТга аъзо бошқа давлатларда ҳам шунга ўхшаш тузилмалар борлиги ҳақида эшитганман. Улар ўзаро алоқа боғлаб, тадбиркорларимиз ўртасида кўприк вазифасини бажариши керак".

ларни қўллаб-қувватлаш маркази, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциацияси ҳамда "Yoshlar ovozi" газетаси ходимлари тақдим этди. Делегация аъзолари анжуман дастурига киритилган туртала шўба йиғилишида ҳам сўзга чиқиб, ШХТ доирасида ёшлар ижтимоий дипломатиясини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ягона ахборот маконини яратиб, таълим соҳасида ўзаро ишончли ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан Ўзбекистон позициясини аниқ-равшан ифода этди. Ёш лидерларимиз ўз чиқишларида муҳокамалар якуни бўйича қабул қилиниши режалаштирилган тавсиявий характерга эга ҳужжат — Форум резолюцияга қиритиш учун бир қанча жўяли таклиф ва ташаббусларни ҳам ўқиб эшиттирдим. Хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳри кенгаши бош мутахассиси Индира Холдорова Шанхай ҳамкорлик ташкило-



форумида қатнашган миллий делегациялар раҳбарлари томонидан яқинлик билан маъқулланибгина қолмай, резолюцияга алоҳида банд сифатида ҳам киритилди. Шу билан бирга, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида Халқаро ёшлар тадбиркор агентлигини ҳамда интернет маконини унинг электрон муробили — www.sconews.info портални ишга тушириш масаласи кўриб чиқилган учинчи шўба йиғилишида делегацияимизнинг яна бир аъзоси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мутасассисиди "Yoshlar ovozi" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари масъул ходими Наргиза Умарова Халқаро ахборот агентлиги ҳамда янги веб-ресурснинг тузилмаси, ҳар иккисидан ишни ташкил этиш тартиби, ўзаро ахборот алмашиш ҳамда журналистик материалларни тарқатиш механизми юзасидан аниқ таклифлар берди. Жумладан, ШХТга аъзо давлатларнинг ёшларга оид сиеятини

римиз ёшлар тадбиркорлиги соҳасидаги ҳамкорликни, авваломбор, икки томонлама форматда ҳамда тегишли давлат ташкилотлари ёки жамоат бирлашмалари кўмаги билан йўлга қўйиш зарурлигини қайд этди. "Масалан, бизнинг мамлакатда Ёш тадбиркорлар ассоциацияси мавжуд, — деди Тилек. — ШХТга аъзо бошқа давлатларда ҳам шунга ўхшаш тузилмалар борлиги ҳақида эшитганман. Улар ўзаро алоқа боғлаб, тадбиркорларимиз ўртасида кўприк вазифасини бажарса, жуда хурсанд бўлардик". Айтиш керак, бир неча йил муқаддам Россия ёшлар иттифоқи тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ёшлар кенгаши қаноти остида икки томонлама бизнес-инкубаторлар ташкил этишга киришган эди. Биринчи бўлиб мазкур лойиҳа Хитой Халқ Республикаси билан биргаликда рўёбга чиқрилди. Шундай қилиб, бугунги кунда ҳар иккала мамлакатда ўртадан бизнес-инкубатор фаолият кўрсатиб келмоқда. Охир-



**Маила ХОН, "Global Youth Clan" жамоат ташкилоти мутахассиси (Покистон):** "ШХТ ёш лидерларининг форумида биз барча иштирокчи давлатларни, аввало, ижтимоий муаммолар ечимига қаратилган қўшма лойиҳаларни кўпайтиришга чақирамиз. Чунки ёшларга муносиб таълим олиш ҳуқуқини таъминламай туриб, улардан ижтимоий фаолликни кутиш бефойда".

"Покистонда катта ёшдаги аҳолининг учдан икки қисми саводсиз, шунингдек, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконига эга эмас, — дейди М.Хон. — Мактаб ёшидаги болаларнинг аксарияти бошланғич таълимни ҳам олган. Мактабга борадиганларнинг яримдан кўпи эса, уни тамомламай, ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. ШХТ ёш лидерларининг форумида биз барча иштирокчи давлатларни, аввало, ижтимоий муаммолар ечимига қаратилган қўшма лойиҳаларни кўпайтиришга чақирамиз. Чунки ёшларга муносиб таълим олиш ҳуқуқини таъминламай туриб, улардан ижтимоий фаолликни кутиш бефойда".



**Янги авлод вакиллари, диний эътиқоди, миллатию ирқидан қатъи назар, бирлашиши, тинчликпарварликни тарғиб этиши учун уларни бир-бири билан дўстлаштириш керак. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ёш лидерларининг форуми айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда.**



**Арман ТОСКАНБОЕВ, қозоғистонлик тадбиркор, қўла соатларини ишлаб чиқарувчи "Отан" миллий бренди асосчиси:** "Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ёш тадбиркорлар бир-бири билан кўпроқ учрашиб, ўзаро билим ва тажриба алмашиши мақсада мувофиқ".



тига аъзо давлатлар ёшлари билан доимий мулоқот ва ахборот алмашинувини йўлга қўйишда ижтимоий дипломатиянинг аҳамияти хусусида тўхталар экан, ШХТ мамлакатлари ўртасида спорт мусобақалари ҳамда фаол ёшлар учун ёзги оромгоҳларни ташкил қилиш мақсада мувофиқ бўлишини қайд этди. Қувончлиси, мазкур таклиф Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёш лидерларининг иккинчи



**Съера ТЕСУН, Халқаро ҳамкорлик бўйича ёшлар маркази директори ёраамчиси (Хитой):** "Форум ШХТга аъзо давлатлар ёшлар ташкилотлари ўртасида турли соҳаларда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, турли масалалар бўйича яқинликка эришиш учун яхши имконият яратди".



**ШХТ мамлакатлари ўртасида спорт мусобақалари ҳамда фаол ёшлар учун ёзги оромгоҳларни ташкил қилишга доир таклифимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёш лидерларининг иккинчи форумида қатнашган миллий делегациялар раҳбарлари томонидан яқдиллик билан маъқулланибгина қолмай, резолюцияга алоҳида банд сифатида ҳам киритилди.**

ахборот хуружларига қарши курашиш, иқтисодий танглик ҳолати ҳамда ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этишда ҳарбий куч-қудрат эмас, балки жаҳондаги энг мобил ресурс бўлиши ёшларнинг бунёдкорлик салоҳиятидан фойдаланишнинг чандон эффаллигини жуда яхши англамоқда. Янги авлод вакиллари, диний эътиқоди, миллатию ирқидан қатъи назар, бирлашиши, тинчликпарварликни тарғиб этиши учун эса, уларни бир-бири билан дўстлаштириш керак. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ёш лидерларининг форуми айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Лойиҳа Россия ёшлар иттифоқи ташаббуси асосида Ёшлар масаласи бўйича Федерал агентлик ҳамда Россотрудничество ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бўлиб, илк форумга 2016 йилда Омск шаҳри мезбонлик қилган эди. Эндигиси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар кенгаши (дарвоқе, жорий йилда мазкур тузилмага Ўзбекистон ҳам қўшилди) шафелигидан ўтказилгани алоҳида эътиборга моликдир. Бу эса, лойиҳанинг мавқеи анчайин ортганидан далолат беради. ШХТ ёш лидерларининг иккинчи форумида мамла-

катимизни тўққиз кишидан иборат нуфузли делегация — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий ва ҳудудий кенгашлари етакчи мутахассислари, Иттифоқ қошидаги Ёш тадбиркор-

эритишга ихтисослашган электрон газета, энг оммабоп ижтимоий тармоқлар платформасида эса, ягона ахборот алмашинуви канали фаолиятини йўлга қўйиш, ёшлар аудиториясини қамраб олган етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари учун медиа-тренинглар, форум ва семинарлар ўтказиш гоилари илгари сурилди. Россия ёшлар иттифоқи раиси ўринбосари Татьяна Селиверстованин сўзларига қараганда, бу таклифлар айни кунларда ишлаб чиқилаётган Халқаро ёшлар ахборот агентлиги тўғрисидаги низома, албатта, ўз ифодасини топади. Ҳам маърузачилар сони, ҳам билдирилган фикр-мулоҳазалар кўлами бўйича форумнинг, сўзсиз, энг ҳажмдор қисмига айланган иккинчи шўбада тўққизта мамлакатдан йўлда қилинаётган йиғилиш иштирокчиларини ўз бизнес лойиҳалари, қолаверса, уларнинг ватанида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлида қилинаётган ишлар ва мавжуд муаммолар билан таништирди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкин, Ўзбекистон делегациясининг тақдими бу сафар ҳам алоҳида қизиқиш билан қарши олинди. Айниқса, "Yoshlar — kelajagimiz". Давлат дасту-

асосан қўшни республикаларга экспорт қилаётгани, бошқа хорижий мамлакатлар бозорига киришдан бироз ҳаяқишини ҳам камчилик сифатида талқин қилди. Шу нуқтан назардан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ёш тадбиркорлар бир-бири билан кўпроқ учрашиб, ўзаро билим ва тажриба алмашиши мақсада мувофиқлиги қайд этилди. "Яшил технологиялар" билан шугулланувчи "Nomad Greenhouse" корхонаси раҳбари Тилек Токтогазиевнинг фикрлари ҳам юқоридагига ҳамоҳанг. Қирғиз бирода-

Россия-Беларусь бизнес-инкубатори, келаси йилда эса, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Грузия ва Италияда ҳам худди шундай тузилмаларни ишга тушириш кўзда тутилган. Халқаровск шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёш лидерларининг иккинчи форуми ўтказилаётганидан фойдаланган ҳамда, мазкур худуд маъмурияти миллий делегациялар аъзоларига, асосан, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоғи яхши ривожланган Хабаровскнинг иқтисодий салоҳияти хусусида ҳам маъ-

лумот беришга ҳаракат қилди. Шу мавзуга бағишланган ялпи йиғилишда Россия Федерациясининг Узоқ Шарқини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Хабаровск вилояти маъмурияти мутасаддилари ўз маърузалари билан қатнашди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ёшлар ижтимоий дипломатиясини ривожлантириш мавзуга бағишланган шўба йиғилишида сўзга чиққанлари, табиийки, асосан ургунли ўз мамлакатидеги ёшлар ташкилотлари фаолиятига қаратди. Айрим маърузачилар ёшлар масаласида жиддий муаммолар борлигини ҳам яшириб ўтормади. Масалан, Покистондаги таълимга кўмаклашувчи "Global Youth Clan" жамоат ташкилоти мутахассиси Маида Хон айни вақтда унинг юрдошлари қашшоқлик ва саводсизликдан азият чекаётгани, бу икки муаммо жамият ижтимоий тараққиёти ва турган гапки, ёш авлодининг ривожланишига тўсиқчилик қилаётганини қайд этди.

килотлари ўртасида турли соҳаларда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини белгилаш, турли масалалар бўйича яқинликка эришиш учун яхши имконият яратганини айтди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти маконини таълим, тадбиркорлик, савдо-тижорат, оммавий коммуникациялар соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича делегацияларнинг нуқтан назарини билдириш Хитой учун қизиқ эканини қайд этди. Анжуманнинг охири кунда барча иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди. Шунингдек, миллий делегациялар раҳбарлари томонидан Форум резолюцияси лойиҳаси муҳокама этилди. Хитой, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон вакилларининг таклифи билан ҳужжатнинг айрим бандларига тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Энди резолюциянинг тўлиқ матнини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун ШХТ Ёшлар кенгашига тақдим этилади.

YURTIM MANZARASI



Hamdamjon MAMADALIYEV olgan surati.

YOSHLIK ILHOMI

# Komissiya bo'laman, ustoz!

Bek ALI

O'qituvchi "komissiya" degan so'zni eshita, qo'rasiga bo'ri oralagan qo'lday sarosimaga tushadi. Avvalo, maktab direktorining yurishi o'zgaradi. U favqulodda chaqqon va shijoatli bo'lib qoladi.

Bu safar ular to'g'ri sinfxonaga kirib keldi-da, bolalarning salomiga ham e'tibor bermay o'qituvchini so'roqqa tutdi.  
— Familiyangiz? — dedi yuzi tандirdan endi uzilgan nonni eslatadigan kishi.  
— Tavbaev! — dag'al ovoz bilan javob qaytardi ustoz.  
— Qaysi fandan dars o'tayapsiz? — dedi tekshiruvchi doskaga yozilgan matematik masalaga tikilib.  
Shunda o'qituvchi kutilmaganida:  
— Siz bu yerda nima qilyapsiz? — dedi.

— Tushunmadim?!  
— Darsni buzishga hech kimning haqqi yo'q! Tushundingizmi? — davom etdi ustoz yanada dadillik bilan.  
Tekshiruvchi ortiqcha tortishib o'tirmadi. U bolalar yonida sir boy bermaslik uchun:  
— Yashang, bizga sizday o'z haqini talab qila oladigan o'qituvchilar kerak. Sinovdan muvaffaqiyatli o'tdingiz, — dedi. Ammo "sizga hali ko'rsatib qo'yaman", degandek ma'noli qarab xonadan chiqdi.  
Komissiya a'zolari keyingi sinfxona eshigini dadil ochib

boyagi savolni takrorladi:

- Familiyangiz?
- Lallayeva!
- Qaysi fandan dars o'tyapsiz, Lallayeva?
- Atrofimizdagi olamdan.
- Jurnal bormi?
- Hozirgina...
- Xuddi shu javobni kutgan taftishchi g'azab otiga mindi.
- Bu nima degan gap, Lallayeva? Siz qanaqa o'qituvchisiz o'zi? Hozir jinoyat qilyapsiz-ku, axir! Bilasizmi shuni?
- M-m-men...
- O'qituvchining rangi quv uchib, ne qilarini bilmay atrofga alangladi.
- Siz o'qituvchilik sha'niga dog' tushiryapsiz... Ishga, ta'limga e'tiboringiz shumiy!
- Tavba! deb gapirghey, — deya g'uldiradi Lallayeva. Bundan taftishchining fig'oni falakka chiqdi:  
— Men nega tavba

deyishim kerak? Qilg'iliqni siz qilasiz-u, uzmi biz so'raymizmi? Qani oldimga tushing.  
Taftishchi o'qituvchini er-gashtirib to'g'ri direktorning xonasiga kirib bordi. Eshik ochilishi bilan, oyna oldida o'ziga oro berayotgan direktor xonim shoshib qoldi.  
— M-m-marhamat!  
Direktor teza o'zini o'nglab, mehmonlarga mulo-zamat ko'rsatdi. Ularga xona to'ridan joy ko'rsatib, o'zi poygak tomonga o'tib o'tirdi. Lallayevaga g'azab bilan qaradi-yu, qo'lini ko'ksiga qo'yib:  
— Xush kelibsiz! — dedi ichakday buralib.  
— Rahmat! Bu kishi o'qituvchimi, o'quvchimi? Kutilmagan savoldan direktor shoshib qoldi. Ammo bunday taftishchilarni ko'raverib ko'zi pishib ket-

gani uchun o'zini yo'qotmay:  
— O'qituvchimiz yangi kelgan, — dedi-yu Lallayevaga qaradi. — Siz borib hujjatlaringizni olib keling. Yo'l-yo'lakay hisobchiga aytib, ishlashingiz haqida ma'lumotnoma yozib bersin.  
Taftishchilar esa, hisobchi so'zini eshitib, hushyor tortdi. Bir-biriga ma'noli boqib bosh irg'adi.  
Ko'p o'tmay yuziga kulgu va qon yugurgan taftishchilar bilan direktor xonim shoshilgan o'tirib tuman markaziga bugungi holat bo'yicha hisobot berish uchun jo'nadi.  
\*\*\*  
Lallayeva darsga qaytib kirar ekan, o'quvchilar oldida izza bo'lganini ularning ko'z qarashidan angladi. Keyin o'quvchilar yonida vaziyatdan chiqish uchun bolalarni savolga tutdi:  
— Demak, davom etamiz. Kim qaysi kasbni tanlashi haqida so'rayotgandim. Xo'sh, Mahmudonayev, sen kelajakda kim bo'lmoqchisan?  
— Komissiya! — burro javob qaytardi o'quvchi.  
— N-nnima!.. Nega endi aynan komissiya?  
— Chunki komissiyadan hamma qo'rqadi, ustoz!

PSIXOLOG MASLAHATI

— Imtihondan yiqildim. Oyimning: "Bu yil ham o'qishga kira olmasang, seni uzatamiz", — degan gapidan cho'chib, poytaxtda qoldim. Hozir oshpaz yordamchisi bo'lib ishlayapman. Bilaman, erta-indin uydagilar darhol uyga qaytishimni talab qiladi. Lekin erta turmush qurishni istamayman. Axir, endi yigirmaga to'ldim. Ota-onam esa, meni tushunmaydi. Bunday vaziyatda nima qilsam bo'ladi?

Sitora QOBILOVA  
Toshkent shahri



Savolga psixolog Mirjavlon MIRSHARIPOV javob beradi:  
— Yomon bo'lib ko'ringan har qanday holatning ortida yaxshilik yoki yaxshi deb o'ylagan narsangning ortida yomonlik yashirinishi mumkin. Ota-onangiz gapiga kirishingiz lozim. Ilm olishning erta-kechi yo'q. Oila qurib sirtqi bo'limlarda o'qiyotgan singillarimiz ham bor. Ular hammasiga ulgurmoqda.

Ijtimoiy psixologiyada "aura" degan tushuncha bor. Bu — insonning ko'rinmas tashqi qobig'i. Ota-ona duosini olgan insonning aurasini mustahkamlanadi. Diniy manbalarda ham ota-onaga, agar ular noto'g'ri ishga buyurmasa, so'zsiz itoat qilish farz ekanini uqtirilgan. Unutmangki, ota-ona roziligidiz boshlangan ishda baraka bo'lmaydi.

BILASIZMI?




Maktablarda sinflardagi o'quvchilar soni 35 nafardan ortib ketishiga yo'l qo'yilmaydi. Namunaviy loyihalarda bo'yicha qurilmagan, moslashtirilgan binolarda joylashgan, o'quvchilar soni yetarli bo'lmagan, olis (tog'li, cho'li) aholi punktlarida joylashgan, shuningdek, o'zbek tilida o'qitilmaydigan maktablarda o'quvchilar soni sinflarni to'ldirishning o'ziga xos shart-sharoitlaridan kelib chiqib belgilanadi.  
O'quvchi kam bo'lgan maktablar (filiallarda) boshlang'ich sinf o'quvchilari quyidagi hollarda bitta sinfga birlashtirilishi mumkin:  
✓ o'quvchilar soni 8 nafargacha bo'lgan I-IV sinflar;  
✓ o'quvchilar soni 12

nafargacha bo'lgan uchta boshlang'ich sinf;  
✓ o'quvchilar soni 24 nafargacha bo'lgan ikkita boshlang'ich sinf (I va III, II va IV sinflar).

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali

O'QING, BU QIZIQ!



Uzum butasi, ya'ni tok yer yuzidagi eng qadimgi o'simlik bo'lib, uning madaniy turi 7-8 ming yil avval paydo bo'lgan. Tarixiy manbalarda keltirilishicha, ko'hna Shosh shahrining tamg'alarida ham tok bargining tasviri tushirilgan ekan.

HAYOT SABOG'I

# Qashqirga basma-bas

Jahongir RAHMATOV

Qo'shrabot tumanining Oboy qishlog'ida istiqomat qiluvchi Boboqul Nazarov Jo'sh qishlog'ida yashovchi teleradio ustasi Nuriddin Usmonovga cheksiz mehr va minnatdorlik bilan qaraydi. Bunga bir necha yil oldin yuz bergan quyidagi voqea sababdir.

Boboqul buzilib qolgan televizorini tuzatish uchun Nuriddinni uyiga taklif etadi. O'sha kuni aksiga olib elektr ta'minotida uzilish bo'ladi. Boshlagan ishni chala tashlab ketishni istamagan usta mijozining uyida qolishga majbur bo'ladi. Uzoq cho'zilgan gurungdan so'ng mehmon ham, mezonlar ham uyquga ketadilar. Tong sahar, chamasi soat to'rtlarda Boboqulning o'g'li tashqariga chiqib, qo'yxonada qo'ylarning yo'qligini ko'rib, darhol otasini uygotadi

va voqeani shosha-pisha aytadi. Apil-tapil kiyingan Boboqul tashqariga otiladi. Qo'shnilarini uygotib, g'oyib bo'lgan qo'ylarni izlashga tushadi.  
Shovqin-surondan uyg'ongan Nuriddin ham kiyinib, hovliga chiqadi. Shu paytda hovliga jon holatda besh-olti eshak yugurib kiranini ko'rgach, ko'ngli xavotir oladi. Uyqusi ochilgan usta yosh qizchani chinqirig'ini eshitib, ovoz chiqqan tomonga yuguradi. Ne ko'z bilan ko'rsinki, bir

bo'ri uy egasining to'rt-besh yashar qizchasini kuylagidan tishlab sudrab ketardi.  
Nuriddin tog' bolasi emasmi, o'zini yo'qotib qo'yamaydi, qo'lga ilingan tayoqni olib bo'riga tashlanadi. Bor kuchi bilan yirtqichning duch kelgan joyiga ura boshlaydi. Bo'ri zarblarning zo'ridan qizchani qo'yib yuboradi. Qashqirning qasoskorligidan xabardor yigit bir zum bo'lsin xushyorlikni yo'qotmaydi. Kutganidek bo'ldi, bo'ri yashin tezligida raqibining ustiga o'qdek otiladi. Yaxshiyamki, bu paytda qizcha qochib ulgurgan edi. Yirtqich qonxo'r bilan mehmonning olishuvi yarim soatcha davom etadi. Bo'ri raqibining tishlab olgan o'ng tirsagini, Nuriddin esa mahkam changallab olgan bo'ri bo'g'zini qo'yib yubormaydi. Nihoyat uy egasi, qo'ni-qo'shnilar yordamga yetib keladi. Xirillay boshlagan bo'riining oyoqlarini bog'lashib, yigitni ajratib oladilar.  
Nuriddinning qo'rqmasligi nafaqat bir xonadonga, balki butun tuman aholisiga foyda keltirdi. Chunki chorvador aholi ancha vaqtdan buyon bu xavfdan qo'rqib yurishar, hatto talofat ham ko'rishgan edi.

HIKMAT

Hunardan bir kuni yetarsan baxtga, Hunarsiz kim yetar toj ila taxtga.

Nizomiy GANJAVIY

MUASSIS  
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.  
Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI  
Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurad Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich  
Navbatchi  
Sherzod Mahmudov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.  
Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.  
Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.  
Buyurtma G-936  
Adali — 11779  
Boshlarga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 01.05  
O'za yakuni — 22.10